



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 3 июнь, № 111-112 (9282-9283) Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



КИМЁ САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июнь куни «Чирчик» кимё-индустриал технопаркига ташриф буюриб, бир қатор корхоналар фаолияти билан танишди ҳамда кимё саноатини жадал ривожлантириш ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб технопаркидаги «Kmita Polymers» корхонасида бўлди.

Россиянинг «Polymers» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур лойиҳа мақсус ва кенг асортиментдаги полиэтилен плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Бундай плёнкалар замонавий иқтисодиётнинг кўзга кўринмайдиган, аммо жуда муҳим бўғинларидан биридир. Бугун озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший техника, қурилиш материаллари,

фармацевтика воситалари ва турли саноат товарларининг бозорга хавфсиз етказилиши, ташқи таъсирлардан муҳофазаланиши кўп жиҳатдан замонавий қадоклаш технологияларига боғлиқ.

6 минг 670 квадрат метр майдонни эгаллаган корхонада Италиянинг замонавий технологик ускуналари асосида кенг асортиментдаги полимер ва термоқисқарувчи плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Унинг ишга туширилиши натижасида 9,5 миллион долларлик

импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланмоқда.

Лойиҳа икки босқичли кенгайтириш дастури асосида амалга оширилмоқда. Инвестицияларнинг умумий қиймати 15,2 миллион долларни ташкил этади. Унинг биринчи босқичида 7,4 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди.

Лойиҳа доирасида 50 та янги иш ўрни яратилди. Кейинги босқичларда иш ўринлари сони янада кўпайиши кутилмоқда.

2025 йилда бу ерда 115 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, 6 миллион долларлик маҳсулот Марказий Осиё давлатлари-га экспорт қилинди.

Корхона ишлаб чиқараётган полимер маҳсулотлар «Coca-Cola», «Pepsi», «Flash», «Черноголовка», «Ackerman», «Asl Oyna», «Biolife» ва «Family Group» каби йирик брендларнинг қадоклаш тизимларида маҳаллий хомашё сифатида қўлланилмоқда.

Қадоклаш индустрияси замонавий саноатнинг энг тез ривожланаётган

йўналишларидан бири экани таъкидланди. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб борган сари уни хавфсиз сақлаш, ташиш ва бозорга етказиб бериш талаблари ҳам кучаяётгани қайд этилди. Шу маънода, бундай корхоналар сонининг кўпайиши нафақат бир тармоқнинг ривожланишига, балки озиқ-овқат саноати, қурилиш, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларнинг барқарор ишлашига ҳам хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат

Мирзиёев «Чирчик» кимё-индустриал технопаркидаги «NovoPlast TPE» корхонаси билан ҳамкорликда 4 минг 200 квадрат метр майдонда амалга оширилган. Унинг умумий қиймати 5,4 миллион долларни ташкил этади.

Лойиҳа Россиянинг «VR Plast» корхонаси билан ҳамкорликда 4 минг 200 квадрат метр майдонда амалга оширилган. Унинг умумий қиймати 5,4 миллион долларни ташкил этади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ КўЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

2026 йил 1 июнь куни ўтказилган маданият, санъат ва адабиёт ходимлари билан соҳаларни янада ривожлантириш бўйича келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган учрашувда илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш, шунингдек, ижодкорларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда соҳада хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш мақсадида қарор қиламан:

I. Асосий мақсадлар

1. Кўйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:
 - (а) театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва миллий чолғу, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт каби йўналишларда **ижодий бирлашмалар фаолиятини йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш;**
 - (б) ижодкорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг халқаро танловлардаги иштироки сонини 2027 йилда **20 фоизга**, ғолиблар сонини **30 фоизга**, 2030 йилга қадар иштирокчилар сонини **5 бараварга**, ғолиблар сонини эса **2 бараварга** ошириш;
 - (в) шоир ва ёзувчилар томонидан ҳар йили камида **50 та энг сара асарлар яратилишини**, миллий адабиётнинг энг яхши **10 та асари хорижий** тилларга таржима қилинишини таъминлаш;
 - (г) ижодкорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, жумладан, ҳар йили **1 минг** нафар ижодкорни уй-жой билан таъминлаш, **3 минг нафарни** бепул даволаш;
 - (д) **нодавлат театр ва театр-студиялар сонини** 2028 йилда **50** тага етказиб, театр соҳасида хусусий сектор иштирокини **25 фоизга** ошириш.
2. **Соҳада истеъодларни юзга чиқаришнинг янги тизимини жорий этиш**
3. Маданият вазирилик, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва кенг ижодкорлар жамоатчилигининг **1-иловага** мувожид **маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида ижодий бирлашмаларни** (кейинги ўринларда — ижодий бирлашмалар) **ташқил этиш** тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.
4. Белгилансинки:
 - (а) ижодий бирлашмаларнинг ижодий раҳбарлари ва уларга ташқил масалаларни ҳал этишда кўмаклашувчи ҳамраҳбарлар Вазирил Мухаммаси томонидан тайинлансин;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Президенти АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯДА Бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4-5 июнь кунлари амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрида бўлади.

Давлатимиз раҳбари «Прагматик мулоқот — барқарор келажақ сари йўл» шиори остида ўтадиган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг ялпи йиғилишида иштирок этади ва нутқ сўзлайди.

Ўзбекистон етакчиси жаҳон иқтисодиётидаги вазият, Ўзбекистон — Россия иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш истикболлари борасидаги фикрлари билан ўртоқлашади, шунингдек, мамлакатимизни ривожлантиришнинг бугунги устувор йўналишларига тўхталиб ўтади.

Ташриф дастурида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашув ўтказиш ҳамда юртимизда биринчи интеграциялашган атом электр станцияси қурилишини бошлаш маросимида иштирок этиш кўзда тутилган.

Ў.А.

Гендер стереотипларини енгиб ўтиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси эътироф этилди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Сербия Республикаси Халқ йиғилиши таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.

Конференция

Дастлаб Ўзбекистон делегацияси Белград шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ Парламентлар аёл аъзолари глобал конференциясида иштирок этди. Унда жами 65 давлатдан 400 дан ортиқ парламент делегациялари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар қатнашди.

Глобал конференцияни Парламентлараро Иттифоқ Президенти Тулия Эксон очиб берди ҳамда мазкур халқаро тадбирнинг аҳамияти, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг қанчалик долзарб эканига тўхталиб ўтди.

Унга кўра, анжуманнинг асосий мақсади — гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишидаги иштирокини кенгайтириш ва парламентда аёллар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича тажриба алмашишдан иборат.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАМЛАКАТ РАВНАҚИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, Тошкент халқаро молия маркази ва Рақамли технологиялар халқаро марказининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган Конституциявий қонун лойиҳалари ҳамда давлат фуқаролик хизматчисининг касбий малакасини ошириш кафолатларини белгилашга доир қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул кўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофчида муҳокама қилинганлиги қайд этилди.



ИШОНЧЛИ ҚўЛАДИР ВАТАН ТАҚДИРИ

Бугун дунё геосиёсий харитасида содир бўлаётган шиддатли ўзгаришлар, минтақавий можаролар ва гибрид таҳдидлар ҳар бир давлатдан нафақат кучли иқтисодиёт, балки замонавий ва жанговар армияга эга бўлишни талаб этмоқда. Шу маънода, олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли Қуролли Кучлар мамлакатимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг чинакам кафолатига айлиб бораётгани кувонарли, албатта. Бу мисли кўрилмаган ислохот хавфсизлик пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси ислоҳи билан бошлангани, аввалги ноаниқ ва мубҳам бандлар ўрнига ҳарбий соҳада миллий дахлсизликни таъминлашга доир принциплар ва ёндашувлар аниқ белгилаб қўйилди.

Мушоҳада

Мен Хавфсизлик кенгашининг кўплаб кенгайтирилган мажлисларида иштирок этганман ва ҳар гал Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ва кенг ижодкорлар жамоатчилигини кўрганман, она тупроққа меҳри суст кимсаларга бу тизимда мутлақо ўрин йўқлигини қайта-қайта таъкидлаганини эшитганман. Чегараларимиз дахлсизлиги ва юрт осойишталиги Олий Бош Қўмондоннинг бош мақсади бўлиб, Етақчимиз нафақат Ўзбекистоннинг, балки минтақа ва дунёнинг тинчлиги учун толмас курашчи ШАХС эканига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ўн йил аввал кимдир бугунги ислохот меваларидан нишона ҳақида сўз очса,

унинг ақли расолиги шубҳа уйғотиши аниқ эди. Қуролли Кучлар дарвозасига етти қат қулф урилгани боис ўша пайтлари ичкарида кечаётган таназзул кўпчиликка сезилмаган бўлиши мумкин. Лекин озми-кўпми, жараён ичида юрган гувоҳ сифатида очигини айтсам, ҳар томонлама ёпиқ, тоталитар сиёсат оқибатида армиямиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан инқироз ёқасига келган, халқ тилида таърифланса, хонавайрон, рамақижон аҳволда эди. Боз устига дўстни ёвга айлантириш, йўқ жойдан сунъий душман орттириш «тажриба»си туфайли ён қўшниларни ҳам беғона тутиб, тинчлигимизга хавфни ошириб олгандик (Агар қўшнилар билан дўстона муносабат бўлганда 2000-йиллари ҳар хил бузғунчи кучлар юзлаб километр йўл



босиб, чегарамиздан ўтган бўлармиди?).

Бугун барча қўшин турлари замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги узлуқсиз ошиб бораётган. Миллий армиямиз ёшларимиз учун мардлик ва шон-шараф мактабига айланди. Энг муҳими, халқ билан армия тобора жипслашиб бораётгани ҳарбий соҳа риво-

жига янги куч ва сифат бағишлаётгани кишини қувонтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини нафақат мустаҳкамлади, балки уни минтақадаги энг замонавий ва жанговар армияга айлантирди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

(б) ижодий раҳбар ўз йўналишида янги иқтидорларни юзага чиқаришга масъул ҳисобланади;

(в) ижодий бирлашмаларга бириктирилган ҳамраҳ-барлар:

(и) ижодий бирлашма ҳамда унинг йўналишига мос ижодкорлар ва жамоалар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлашга масъул ҳисобланади;

(ii) ижодий бирлашма йўналиши бўйича маҳалла — туман — вилоят — республика даражасидаги танловлар ва маданий тадбирларнинг йиллик режа-графикини ижодий раҳбарлар билан биргаликда тасдиқлайди ҳамда уларни ташкил қилади;

(iii) халқаро ва республика танловлари голиб ва совриндорларнинг гастроль сафарларини ташкил этишга ҳамда халқаро фестивал ва танловларда иштирок этишига кўмаклашди;

(г) ҳамраҳбарларга ўзлари бевосита раҳбар бўлган муассаса (ташкilot, корхона) ва унинг тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижодий бирлашмаларга маблағ йўналтиришга рўхсат берилади;

(д) ижодий бирлашмаларнинг фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари меценатлик кўмаги ҳисобланади ҳамда уларга нисбатан қонунчилик ўжашларида белгиланган имтиёзлар қўланади;

(ж) 2027 йилдан бошлаб ижодий бирлашмаларнинг йиллик ижодий ҳисоботи шаклида Миллий ижодкорлар курултойти ўтказилади ҳамда унда ижодий бирлашмаларнинг йил давомида энг яхши натижа кўрсатган ижодкорлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда рағбатлантирилади:

(и) ижодкорларнинг бадиий кечаси, маҳорат мактаби ва ижод уйлари ташкил этилади;

(ii) бир йил давомида ҳар ойда 5 миллион сўм миқдорда гонорар тўланади;

(iii) уч йил давомида Ўзбекистон бўйлаб самолёт, поезд ва жамоат транспортидан бепул фойдаланади, бунда ташқи харажатлари бўйича олинмай қолган даромадлар кейинчалик ҳар ойда қўллаб берилади;

(iv) давлат тиббиёт муассасаларида даволаниш харажати тўлиқ қопланади.

4. Истеъдодларни аниқлаш ва ривожлантириш, уларнинг продюсерлик фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Маданият вазирлиги ҳузурда юридик шахс мақомисиз “Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамғармага 2026 йил 1 июлга қадар республика бюджети ҳисобидан 200 миллиард сўм маблағ ажратиш чорасини кўрсин ҳамда 2027 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида ҳар йили камидан 200 миллиард сўм маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Маданият вазирлиги 2026 йил 1 июлдан бошлаб Жамғарма ҳисобидан очик ва шаффоф тизим асосида энг истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш тизимини йўлга қўйсин.

7. Маданият вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2027 йилдан бошлаб ҳар йили театр, чолғу, хор ва ракс йўналишида умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида туман — вилоят — республика даражасида танловларни ўтказиб боришни йўлга қўйсин. Бунда:

(а) ҳар бир йўналиш бўйича республика даражасидаги танловда голиб деб топилган умумий ўрта таълим муассасасига ўз ижодини тарғиб қилиш, саҳна декорациялари ва либослари, мусика асбоблари харид қилиш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан 500 миллион сўмдан грант берилади;

(б) республика танлови голиблари маданият ва санъат йўналишлари бўйича давлат таълим ташкилотларига киришди ижодий имтиҳондан овоз этилади ва уларга максимал балл берилади.

8. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқларига миллий чолғу асбобларини сотиб олиш харажатларининг 30 фоиз қисмини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўллаб бериш тизими жорий қилинсин.

III. Соҳани қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш

9. Белгилансинки, 2026 йил 1 сентябрдан 2036 йил 1 январга қадар:

(а) асосий фаолияти концерт-томоша, кинематография, болалар учун контент яратиш бўлган субъектлар, нодавлат театр ва театр-студиялар ҳамда маданият ва санъат йўналишидаги хусусий таълим ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, айланмадан олинмаган қиймат солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғидан, уларда ишловчи ходимлар жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан овоз қилинади;

(б) хорижий компанияларнинг Ўзбекистон ҳудудида кино махсулотини яратиш билан боғлиқ фаолияти натижасида олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига тўлов манбаида солиқ солишида солиқ базасига киритилмайди.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда ушбу Фармоннинг 9-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қуйидагиларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили молиялаштириш тизими жорий этилсин:

(а) йилига камидан 50 та энг сара асарларни яратиш учун шоир ва ёзувчиларга ижодий буюртма бериш;

(б) опера, симфония каби мумтоз ва замонавий жанрлар бўйича ҳар йили камидан 20 та янги асар яратиш учун ижодкорларга давлат буюртмаси бериш;

(в) ҳар йили миллий адабиётнинг энг сара 10 та асарини хорижий тилларга таржима қилиш ва муаллифлар иштирокида чет элларда тақдимотлар ўтказиш харажатларини қўллаб бериш;

(г) Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида чоп этиладиган китобларни нашр этиш учун қозғоғ харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қўллаб бериш;

(д) шеърят билан санъатни уйғунлаштирган ҳолда таш-

кил этиладиган энг сара 100 та шеърин концертларни ўтказиш бўйича давлат буюртмаси бериш.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу Фармоннинг 11-бандида белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш учун республика бюджети ҳисобидан 2026 йилда 25 миллиард сўм, 2027 йилдан бошлаб ҳар йили 50 миллиард сўм ажратсин.

13. Истеъдодлар ва уларнинг устозларини қўллаб-қувватлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(а) маданият, санъат ва адабиёт соҳаларидаги нуфузли халқаро ва республика танловлари голиб ва совриндорлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

(i) Гран-при ва 1-ўрин голиби — халқаро танлов бўйича 300 миллион сўм, республика танлови бўйича 100 миллион сўм миқдорда;

(ii) 2-ўрин соҳиби — халқаро танлов бўйича 200 миллион сўм, республика танлови бўйича 50 миллион сўм миқдорда;

(iii) 3-ўрин соҳиби — халқаро танлов бўйича 100 миллион сўм, республика танлови бўйича 25 миллион сўм миқдорда;

(б) танловларнинг голиб ва совриндорларини тайёрлаган ўқитувчи (концертмейстер)нинг ойлик маошига бир йил давомида 100 фоизгача устама Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади;

(в) нуфузли халқаро танловларнинг голиб (совриндор)лари ва уларнинг ўқитувчи (концертмейстер)ларининг танловларда иштирок этиши харажатлари тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

(г) ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари хусусий секторда фаолият юритувчи шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

(д) ушбу бандда назарда тутилган нуфузли халқаро ва республика танловлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида аниқланади.

IV. Соҳа вакилларининг ижтимоий таъминотини янада мустаҳкамлаш

14. 2026 йил 1 июлдан бошлаб ҳар йили 1000 нафар уй-жойга муҳтож маданият, санъат ва ижодий соҳа вакилларига бирламчи бозордан квартира сотиб олиш учун қуйидаги тартибда ипотека кредитларини ажратиш йўлга қўйилсин, бунда:

(а) Ипотека дастури доирасида ипотека кредитлари ажратишда бошланғич тўлов кредит олувчи томонидан 2-иловада белгиланган миқдорларда шакллантирилади, бунда шакллантириладиган бошланғич тўловнинг 50 фоизи ҳамда кредит мuddатининг биринчи беш йили давомида тўланадиган кредит фоизларининг 10 фоизлик пунктдан ошган қисми Давлат бюджетидан қўллаб берилади;

(б) бошланғич тўловнинг 50 фоизини қўллаб бериш Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот тизими орқали автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маданият соҳаси вакилларини заҳур уй-жойлар билан таъминлашга масъул этиб белгилансин.

16. Бир ҳудуддан бошқа ҳудудга келиб ишлаётган ва ушбу ҳудудда ўз уй-жойига эга бўлмаган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига уй-жой ижараси тўловларининг бир қисмини қуйидаги миқдорларда қўллаб бериш тартиби жорий этилсин:

(а) Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг 14-ва бандида назарда назарда тутилган харажатлар учун 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратсин.

18. 2026 йил 1 июлдан бошлаб ижодий бирлашмаларнинг тавсияси асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатларни қўллаб бериш йўлга қўйилсин:

(а) ҳар йили 1 минг нафаргача Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш бўйича имтиёзга эга бўлмаган, бироқ ўз фаолиятида яхши натижаларга эришган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига юқори технологик операцияларни ўтказиш;

(б) ҳар йили 2 минг нафаргача маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига суғурта мукофоти базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган ихтиёрий тиббий суғурта бадаллари учун харажатларнинг 50 фоизини қўллаб бериш;

(в) ҳар йили 100 нафаргача соҳада камидан 10 йил ишлаган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига Ўзбекистон касаб ва уюмалари Федерацияси санаторийларида бепул даволаниш.

19. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджетдан молиялаштириладиган театр ва концерт-томоша муассасаларида фаолият юритувчи ракс жамоасининг бадиий раҳбари, балетмейстери, репетиторлари, балет артистларининг лавозим маошларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари миқдорига ва (ёки) Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгиланган тариф коэффициентлари миқдори Давлат бюджети ҳисобидан 2 бараварга оширилган ҳолда қўланади;

(б) давлат муассасаларида ракс санъати соҳасида фаолият юритаётган раққос ва раққосларни имтиёзли иш стажи билан пенсияга чиқаришда талаб этиладиган 20 йиллик иш стажининг камидан 15 йили раққос ва раққослик фаолиятидан иборат бўлган тақдирда, қолган 5 йили учун балетмейстер ва балет бўйича репетитор фаолияти билан шуғулланган даврни инобатга олишга рўхсат берилади.

20. Ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳудудларда инклюзив ижодий устaxonалар ташкил қилинсин. Бунда инклюзив ижодий устaxonаларни ташкил этиш ҳамда уларни дарсликлар ва ижод учун зарур анжомлар билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 30 миллиард сўм ажратиб борилади.

21. 2026 йил 15 июндан бошлаб 3-иловага мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аэропорт ва темир йўл вокзалларидаги “VIP” заллардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

22. Соҳада нодавлат сектор фаолигини ошириш 22. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(а) нодавлат театр ва театр-студияларнинг қуйидаги харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўллаб берилди:

(i) ҳар йили 50 та саҳна асари яратиш харажатлари;

(ii) ҳар ойда хусусий бинони ижарага олиш харажатларининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваргача бўлган қисми;

(б) давлат маданият объектлари уларнинг бўш вақтларида нодавлат театр ва театр-студияларга спектакль намойиш этиш учун ижара тўловсиз фойдаланиш учун берилди. Бунда томоша заллари учун талабгорлар иккита ёки ундан кўп бўлган тақдирда, улар орасида танлов ўтказилди;

(в) ушбу банднинг “а” кичик бандида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан қўшимча 10 миллиард сўм ажратилади.

23. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Нукус шаҳри ва вилоятлар марказлари бундан мустасно) концерт-томоша тадбири ташкил этилган ва бир тадбир доирасида 1000 тадан ортиқ билет сотилган тақдирда, концерт-томоша ташкилотчиларига сотилган билетлар қийматининг 20 фоизига тенг бўлган миқдорда субсидия берилди;

(б) давлат ва нодавлат театрларга ўзи фаолият юритаётган жойда саҳналаштирилган спектакль учун сотилган ҳар бир чиптага қўшимча 10 минг сўм, бошқа ҳудудга чиққан ҳолда намойиш этилган тақдирда, 20 минг сўм миқдорда субсидия берилди.

24. Белгилансинки, 2026 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар йили 500 минг нафар ўқитувчи, шифокор, давлат хизматчиси, фаол ўқувчи ва талабаларга ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган 100 мингта оилаларнинг бир нафар фарзандига, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларга театр, кино ва концерт тадбирлари учун бепул ваучер берилди, бунда:

(а) ваучер қийматидаги маблағлар шахсларнинг номига очиладиган ижтимоий карта орқали тақдим этилади;

(б) ваучер бериш билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда Давлат бюджети маблағлари ҳамда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

VI. Киноиндустрия соҳасини янада ривожлантириш

25. Хусусий киностудияларнинг мустақил фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда соҳада эркинлик ва рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида:

(а) Миллий кинематография, кинокомпания ва кинотеатрлар тармоғини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази, Кинематография агентлиги ҳузурдаги Бадиий кенгаш фаолияти ҳамда ҳар бир фильмга маслаҳатчилар гуруҳини бириктириш амалиёти туғатилади;

(б) давлат буюртмаси асосида яратиладиган фильмларнинг мавзусидан келиб чиқиб, соҳа мутахассисларидан иборат ҳақ тўланадиган эксперт гуруҳлари ташкил қилиб борилинсин. Бунда Бадиий кенгаш томонидан маъқулланган ва (ёки) ишлаб чиқаришга туширилган лойиҳаларни яқунлаш ушбу кенгаш томонидан амалга оширилади ва улар бўйича эксперт гуруҳларининг ҳулосасини олиш талаб этилмайди;

(в) “Ўзбекфильм” киноконцерни” давлат муассасасига “миллий” мақоми берилсин ҳамда унинг фаолияти маҳаллий ва халқаро киностудияларга хизмат кўрсатувчи киноконцерн сифатида йўлга қўйилсин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган “Олтин Хумо” миллий кино тақдироти нуфузини ошириш мақсадида 2027 йилдан бошлаб ҳар йили 5 миллиард сўм ажрати борилишини таъминласин.

26. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат буюртмаси асосида кино, шу жумладан, Болалар контентини ривожлантириш маркази лойиҳалари яратилишида:

(а) маркетинг ва реклама харажатлари учун фильм бюджетининг 30 фоиз миқдоригача маблағларни ажратишга рўхсат берилди;

(б) харид шартномаларини экспертизадан ўтказиш талаби бекор қилинади;

(в) фильмлар намойишидан тушган маблағларнинг 50 фоизи продюсер ва ижодий гуруҳга қўшимча рағбат сифатида берилди.

VII. Худудларда маданият тадбирларини ташкил этиш ва китобхонликни ривожлантириш

27. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳар, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари ҳузурда маданий тадбирларни ташкил этиш дирекциялари (кейинги ўринларда — дирекциялар) фаолияти йўлга қўйилсин.

28. Белгилансинки:

(а) дирекциялар тегишли ҳокимликлар муассислигида масъулият чекланган жамиятлар шаклида ташкил этилади, бошқа тадбиркорларга дирекция устав фондида ўз пул маблағлари билан иштирок этишга рўхсат берилди;

(б) дирекциялар тегишли ҳудудда жойлашган, маданий, оммавий, концерт-томоша тадбирлари ташкил этилиши мумкин бўлган бинолар, мажмуалар, павильонлар, стадионлар, саҳналар, залларга (кейинги ўринларда — маданият объектлари) эга бўлган барча давлат муассасалари, шу жумладан, концерт, театр, маданият саройлари билан мажбурий равишда, шундай бино ва иншоотларга эга хусусий ташкилотлар билан эса ўзаро келишувлар асосида хизмат кўрсатиш тўғрисида шартномалар имзолайди;

(в) дирекциялар тузилган шартномалар асосида ҳар бир маданий объектининг ҳар кунлик иш режими, уларнинг банд ва бўш вақтлари ҳақида онлайн режимда маълумот олиб туради;

(г) дирекциялар маданият объектларининг бўш вақтидан самарали фойдаланиш мақсадида уларда маданий тадбирлар ўтказилишини ташкил этади, ўзи жалб қилган тадбир ташкилотчилари билан маданий масканларнинг мулкдорлари номидан шартномалар тузади;

(д) дирекциялар томонидан мулкдор номидан тузилган шартномаларга асосан маданият объектларини тадбирлар учун ижарага беришдан тушган маблағларнинг хизмат кўрсатиш шартномасида томонлар ўзаро келишув асосида белгилайдиган қисми дирекцияларга ўтказиб берилди;

(ж) дирекциялар ўзлари тузган шартнома асосида ўтказиладиган оммавий тадбирларга рўхсат олиш бўйича тартиб-таомилларнинг бажарилишини бевосита ўзи таъминлайди.

29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маданият вазирлигининг тақлифлари асосида 2026 йил якунига қадар 50 тадан 100 тагача чекка ва олис ҳудудлардаги маҳаллаларда намунали маҳалла кутубхонаси ва китоб дўконларини ташкил қилсин. Бунда Ёшлар ишлари агентлиги:

(а) Республика Мазъавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда намунали маҳалла кутубхоналарининг бадиий, илмий-оммабоп, маърифий, ҳужжатли ва биографик адабиётлар билан тўлдирилишини;

(б) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан биргаликда ушбу кутубхоналар фаолияти тўлиқ рақамлаштирилишини таъминласин;

(в) 2027 йил 1 январдан бошлаб ушбу кутубхоналарда “Муголаа” платформасидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратсин.

30. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Мўқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусикали театри, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театри ва Ўзбек Миллий қўғирчоқ театрига молиявий, ижодий ва ташкилий масалаларни мустақил ҳал қилиш ваколати берилсин.

VIII. Таълим тизимини такомиллаштириш

31. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 10 тадан умумий ўрта таълим муассасаларида, тажриба тариқасида, мусика, тасвирий санъат ва технология дарсларини илғор хорижий тажрибага мувофиқ “Art” ўқув дастури асосида такомиллаштирилган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилсин. Бунда умумий ўрта таълим муассасаларини “Art” йўналишларига мос ҳолда жиҳозлаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

32. Белгилансинки, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(а) болалар мусика ва санъат мактаблари ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларига тенглаштирилади;

(б) умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда болалар мусика ва санъат мактаби ўқитувчилари иш ҳақида ўқувчларнинг чолгуларини ижро этгани даражасидан келиб чиқиб, ҳар ойда 20 фоизгача устама тўлаш тартиби жорий этилади;

(в) болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда ихтисослашган мактаблар билан умумий таълим муассасалари ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйиладиган ҳамда ижодий жамоалар томонидан умумий ўрта таълим муассасаларида даврий равишда концерт-томоша дастурлари ва маҳорат дарслари ўтказиб берилади;

(г) ҳар бир умумий ўрта таълим муассасасида мусика ва санъат йўналишида камидан 4 тадан тўғарак ташкил қилинади.

33. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия икки ой мuddатда ёш ижодкорларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун маданият ва санъат йўналишидаги 10 та олий таълим муассасасига Давлат бюджети ва Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда 50 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

34. Касбий таълим агентлиги тизимидаги Республика мусика ва санъат техникуми ҳамда Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк техникуми олий мактаб сифатида қайта номланган ҳолда Маданият вазирлиги тизимига ўтказилсин, бунда Республика мусика ва санъат олий мактаби ҳамда Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк олий мактаби:

(а) битирувчиларга касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилди;

(б)

ЖОЙЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖРОСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлишиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини ўрганмоқда.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматқаримов Наманган вилоятига хизмат сафари доирасида аҳоли муаммоларини ўрганиб, фуқаролар билан очиқ мулоқотлар ўтказди.

Уйчи туманидаги 4-техникумда сайёр қабул ташкил этилиб, фуқароларнинг ижтимоий соҳа, бандлик, таълим ва соғлиқни сақлаш масалаларига тааллуқли муносабатлари эшитилди. Уларнинг ақсарияти жойида ижобий ҳал этилди, қўшимча ўрганиш талаб қилмаган масалалар буйича эса мутасадди ташкилотлар раҳбарлари зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

Жумладан, тиббиёт муассасаларидан бирини портави ЭКГ аппарати билан таъминлаш масаласи кўтарилди. Мазкур муносабат юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти билан мулоқот қилиниб, муассасани за-

рур тиббий жиҳоз билан таъминлаш чоралари белгиланди.

Яна бир муносабатда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маҳаллалардан бирини коммунал тўловларни амалга ошириш имконини берувчи банккомат ўрнатиш масаласи кўтарилди. Ушбу масала ҳам ўз ечимини топди.

Бундан ташқари, сенатор ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар ва нурунийлар ҳолидан ҳам хабар олди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Кобул Турсунов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сурхондарё вилоятида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини парламент назорати доирасида ўрганмоқда.



Президентимизнинг фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижроси, жумладан, вилоятда юқори ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мавжуд захира ҳамда имкониятларни самарали ишга солиш, "яшил иқтисодиёт" тамойилини кенг жорий этиш, аҳоли бандлиги ва

даромадларини ошириш, шунингдек, туризм салоҳиятидан унумли фойдаланиш борасида бажарилаётган ишларга эътибор қаратилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, маҳаллий бюджет маблағла-

ридан самарали фойдаланиш ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Муҳокамадор давомида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан тегишли тавсия ва таклифлар билдирилди.

Ишчи гуруҳ ўрганиш ишларини давом эттирмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова ҳам Фарғона вилоятининг Ёзёнов туманида "Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла" тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Жумладан, қатор зиёратгоҳларда таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилмақда. Хусусан, "Сой Ени" маҳалла фуқаролар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Ғойиб ота" зиёратгоҳида қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати, қурилиш

жараёнларининг бориши ва зиёратгоҳ инфратузилмасини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикрлар билдирилди. Шунингдек, Халфа бува ва Юқори маҳаллаларидаги зиёратгоҳларда яратилаётган шарт-шароитларга, ташриф буюрувчилар учун қулайликларни кўпайтириш ва объектларнинг архитектуравий қиёфасини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Ёзёнов тумани Кенгашида депутатлар давлат ташкилотлари ва муассасалар раҳбарлари иштирокида учрашув ҳам ўтказилди. Унда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қўйиб қалаётган айрим муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий соҳа объектларини фаолиятини янада такомиллаштириш, инфратузилма ривожлантириш масалалари ҳамда фуқаролар муносабатларида кўтарилаётган масалалар муҳокама қилинди.

Сенатор туманда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш буйича таклифларни кўриб чиқиб, масъулларга тегишли тавсиялар берди.

«Халқ сўзи».

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ, МАМЛАКАТ РАВНАҚИ,

Тошкент халқаро молия марказининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда

Депутатлар дастлаб "Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқди.

Мазкур ҳужжат мамлакатда рақобатбардор капитал бозорини ривожлантириш, инвестиция оқимини кенгайтириш, Ўзбекистонни минтақавий молиявий хаб сифатида шакллантиришга қаратилган.

Конституциявий қонун лойиҳасида молия марказининг ҳуқуқий мақоми, фаолият тамойиллари, бошқарув тизими, ваколатлари ва марказ ҳудудида амал қиладиган махсус ҳуқуқий режим аниқ белгиланган. Жумладан, марказ ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мазкур Конституциявий қонунга ва молия марказининг қарорларига зид бўлмаган ҳолда Англия ва Уэльс ҳуқуқининг принциплари, қонунчилиги ва суд прецедентлари амал қилишига оид қоидалар ўз ақсини толган.

Мажлисда дунёнинг етакчи молия марказлари — Дубай халқаро молия маркази (DIFC), Остона халқаро молия маркази (AIFC) ва Сингапур тажрибаси афроғлича ўрганилган таъкидланиб, қонун лойиҳаси билан Тошкент халқаро молия марказининг институционал тузилмаси белгиланаётгани қайд этилди.

Шунингдек, марказ маъмурияти, Тошкент молиявий хизматлар бошқармаси ва Тошкент халқаро тижорат судининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмоқда. Бундан ташқари, Тошкент молиявий хизматлар бошқармаси лицензиялаш, назорат қилиш ва таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга бўлади. Тошкент халқаро тижорат суди эса марказ иштирокчилари ўртасидаги низоларни мустақил равишда кўриб чиқади.

Лойиҳада марказ иштирокчилари ва уларнинг ҳодимларига хорижий валюталарда ҳисоб-китоб амалини бажариш, чет эллик мутахассисларни ишга қабул қилиш, беш йилгача амалда бўладиган махсус визалар олиш ҳуқуқи берилиши ҳам назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, марказ ҳудудида солиқ ва боғжона имтиёзлари жорий этилиши белгиланган.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Конституция ва қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, Конституциянинг 15-моддасига киритилаётган қўшимчага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона ҳуқуқий макон сақланган ҳолда, алоҳида ҳудудларда қонун асосида махсус ҳуқуқий режим ўрнатиш имконияти белгиланмоқда. Бош қонунимизнинг 131-моддасига киритилаётган қўшимча билан эса махсус ҳуқуқий режим амал қиладиган ҳудудларда ихтисослашган судлар ташкил этилиши имкончилиги назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, 134-моддага киритилаётган ўзгартириш билан айрим махсус ҳолатларда суд юрисдикцияси ва суд ишларини юритиш тартиби қонун билан алоҳида белгила-ниши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда.

Даврон АРИПОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кенг муҳокамадан ўтказилди. Хусусан, давра сўхбатлари, семинарлар ташкил этилди, депутатлар, экспертлар, конституциявий ҳуқуқ соҳаси олимлари таклифлари асосида бир қатор таҳририй ва юридик тузатишлар киритилди, айрим нормалар такомиллаштирилди. Айтиш мумкинки, мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси мамлакатимизда очик ва за-



Манавий иқтисодий муҳитни шакллантириш, инвестициявий фаолликни ошириш ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янги bosқич-га олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳасининг айрим нормалари юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берилди, фикр-мулоҳазалар алмашилди. Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ҳамда аъзолари ушбу ҳужжат юзасидан ўз муносабатларини билдиришди.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:

— Мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси фракцияимизда ҳам афроғлича муҳокама қилиниб, мамлакатимиз миллий манфаатлари, иқтисодий мустақиллиги ва халқаро нуфузини мустаҳкамлаш нуктаи назаридан баҳоланди. Унда инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси, ҳуқуқий кафолатларни қучайтириш ва халқаро стандартларни жорий этишга қаратилган нормалар назарда тутилган эътиборга молик. Шунингдек, марказ фаолияти натижасида янги иш ўринлари яратилиши, молия соҳасида юқори малакали миллий кадрлар мактаби шаклланиши ва ёшларимиз учун янги касбий имкониятлар пайдо бўлиши кутилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро молия марказига эга бўлиши мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш билан бирга, унинг халқаро майдондаги нуфузини ҳам мустаҳкамлайди. Бу эса миллий давлатчилигимизнинг иқтисодий пойдеворини янада қучайтиришга хизмат қилади.



Шухрат ЁҚУБОВ, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Биз ушбу қонун лойиҳасини нафақат фракцияда, балки электоратимиз ўртасида, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар иштирокида ҳам афроғлича муҳокамадан ўтказдик. Таъкидлаш жоизки, партияимиз учун ҳар қандай иқтисодий ташаббуснинг асосий мезони — унинг инсон манфаатларига, ижтимоий адолат тамойилларига ва қонун устуворлигига хизмат қилиши ҳисобланади. Мазкур ҳужжат айнан шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Энг аввало, қонун лойиҳаси инвесторлар учун шаффоф, барқарор ва ишончли ҳуқуқий муҳит яратишга қаратилган. Инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши, мулк дахлсизлигининг кафолатланиши ва халқаро ҳуқуқий стандартларнинг жорий этилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса партияимиз доимо илгари суриб келаётган ҳуқуқий давлат тамойилларига тўлиқ мос келади.

Муҳокамадордан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Рақамли технологиялар соҳаси ривож учун кенг имкониятлар

Мажлисда "Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан марказ ҳудудида махсус ҳуқуқий режимни яратиш, хусусан, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва тадбиркорлик тартиб-таомилларини соддалаштириш, тижорат операцияларини тартибга солишда халқаро стандартларни қўллаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мослашувчан солиқ ва боғжона режимини жорий этиш, жумладан, 2100 йилгача бўлган муддатга айрим фаолият турлари буйича солиқлардан озод қилиш, асбоб-ускуналар, технологиялар ва материалларни олиб киришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш таклиф қилинапти.

Конституциявий қонун лойиҳасига кўра, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосланган махсус қонунчилик билан бирга Англия ва Уэльс умумий ҳуқуқининг элементларига ҳамда етакчи халқаро молия марказларининг стандартларига асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қонун лойиҳасида марказ иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш механизмларини, жумладан, рўйхатга олиш ва бошқариш учун ягона дарча ташкил этиш, интеллектуал мулк ва инвестицияларни ҳимоя қилиш кафолатларини жорий этиш, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Беҳзод ТЎХТАМУРДОВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қатор аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳудудида ахборот хавфсизлигини янада қучайтириш мақсадида булутли технологиялардан фойдаланишда маълумотларнинг хавфсизлиги, яхлитлиги, муҳофазаси, ишончилиги, шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш имконияти таъминланиши зарурати назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, марказнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва инвестиция қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари, жумладан, инвестицияларни ҳимоя қилиш кафолатлари такомиллаштирилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, айрим нормалари буйича аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА, ЎзЛидеП фракцияси аъзоси:

— Мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг рақамли тараққиёт йўлидаги муҳим қадамларидан биридир. Негаки, бугунги кунда инвестициялар қулай ҳуқуқий муҳит, замонвий инфратузилма ва ишончли ахборот хавфсизлиги мавжуд бўлган ҳудудларга кириб бормоқда.

Қонун лойиҳасидаги ҳуқуқий нормалар айнан шу омилларни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Айниқса, лойиҳада акс этаётган халқаро стандартларга мос ҳуқуқий механизмларнинг жорий қилиниши, интеллектуал мулк ҳимоясининг қучайтирилиши ҳамда ахборот хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилиши мамлакатимизнинг рақамли иқтисодиётдаги рақобатдошлигини оширади.

Зиёдбек ЮНУСОВ, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг энг муҳим жиҳати — унда хорижий инвесторлар ва юқори технологияли компаниялар учун аср охиригача, яъни 2100 йилгача кафолатланган махсус ҳуқуқий режимнинг белгиланаётганидир. Яъни ушбу



ҳужжат билан марказ ҳудудида инглиз ҳуқуқи элементларини, рақамли инновациялар учун "тартибга солиш қўмдонлари"ни жорий этмоқдамиз. Бу — халқаро бизнес тилида гапирадиган йирик IT-гигантлар учун энг ишончли сигналдир. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши орқали мамлакатимизга нафақат йирик инвестициялар ва трансмиллий корпорациялар кириб келади, балки юртимизда мўлғаб юқори даромадли иш ўринлари яратилади, маҳаллий IT-индустриал экотизим янги bosқичга чиқади.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳаси марказ иштирокчилари сонининг кўпайиши ҳисобига IT соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини оширишга, рақамли секторга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажминини кўпайтиришга, IT хизматлари экспорти ҳажминини ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг рақамли технологиялар соҳасида минтақавий етакчи сифатидаги мавқенини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қонун лойиҳасидаги нормалар такомиллаштирилади

Депутатлар давлат фуқаролик хизматчисининг хорижий нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун қўшимча кафолатлар яратишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат давлат фуқаролик хизматчиларини янада қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш, давлат органлари ва ташкилотларида профессионал ва салоҳиятли кадрлар қатлами шакллантиришни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси нуфузли хорижий таълим муассасасига магистратура ёки докторантурада ўқиш буйича грант ютганда, иш бېрувчининг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрини (лавозими) сақла-ниши таклиф этилмоқда.

Шунингдек, иш бېрувчи томонидан розилик беришда ўқув дастурининг йўналиши ушбу давлат органи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлишини инобатга олиш назарда тутиляпти.

Лойиҳада ўқув дастури яқунлангандан сўнг давлат фуқаролик хизматчиси зиммасига тегишли давлат органи тизимида хорижда таҳсил олиш даврига тенг муддатга

ишлаб бериш мажбурияти ҳам юкланмоқда. Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматчисининг хорижда ўқиш даври унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши, кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик устама белгилашда инобатга олиниши кўрсатилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси қизгин муҳокама-ларга сабаб бўлди, қатор саволлар кўтарилди.

Сайдулло АЗИМОВ, ЎзЛидеП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси 42-моддасининг сўнгги таҳрири айрим жиҳатларда ушунарсиз ҳолатни келтириб чиқармоқда. Хусусан, норма давлат фуқаролик хизматчиси грант ютиши учун давлат органи раҳбарининг розилигига талаб этилади, деган мазмунда талқин қилиниши мумкин. Аслида масала грант ютиш учун эмас, балки давлат хизматчиси ўқишга қабул қилингандан кейин унинг иш ўрни сақланиши билан боғлиқ кафолатларга тааллуқлидир.

Грантга ҳужжат топшириш, малака ошириш ёки ўқишга кириш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ҳисобланади. Бу жараён давлат органи раҳбарининг розилигига боғланмаслиги керак. Масала фақат ходим ўқишга қабул қилингандан кейин унинг иш жойини сақлаш кафолати ҳақида кетмоқда.

Шу билан бирга, мазкур модданинг иккинчи қисмида давлат органи раҳбари томонидан розилик бериш учун асос бўладиган икки жиҳат аниқ кўрсатиб ўтилган. Яъни таълим дастурининг йўналиши давлат хизматчисининг функционал вазифалари ёки тегишли давлат органи фаолияти йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлиши белгиланмоқда.

Шунга қарамастан, модданинг сўнгги қисмида "давлат органи раҳбари томонидан розилик бериш асослари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади", деган норма ҳам сақланиб қолмоқда. Бу эса муайян даражада ҳуқуқий эъдиётни келтириб чиқармайдими?

Қонун лойиҳасига масъуллар бу буйича изоҳ бериб ўтишди.

Мунозараларда депутатлар томонидан лойиҳа юзасидан эътирозлар билдирилди. Унда айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш буйича таклифлар илгари сурилди. Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси масъул қўмита томонидан такомиллаштирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ЎЗГАРИШЛАР



Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат иқтисодий, балки энг муҳим геосиёсий ва инсонпарварлик масаласига айланди. Жаҳонда содир бўлаётган зиддиятлар, иқлим ўзгариши ҳамда иқтисодий бекарорлик фонида ушбу мавзу ҳар қачонгидан ҳам долзарб, десак, аини ҳақиқат.

Нуктаи назар

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташиқоти (ФАО) маълумотларига кўра, дунёда суронкали очликдан азият чекаётганлар сони 800 миллиондан ортқичи ташкил этади. Айрим давлатлар ўртасидаги можаролар эса бу борадаги жараёнларни янада қийинлаштиряпти. Ташвиш ва энергия харажатлари ортқичи натижасида озиқ-овқат нархлари юқориликка қолмақда. Логистика занжирлари узиллиши ривожланаётган давлатларга маҳсулот етиб боришини мураккаблаштиряпти. Ўғит танқислиги эса келгуси йилларда ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Мутахасссларнинг фикрича, агар тезкор ҳамда мувофиқлаштирилган халқаро чоралар кўрилмаса, тўйиб овқат емайдиغانлар сони яқин йилларда яна бир неча ўн миллионга ортқичи хавфи бор.

Мураккаб шароитда Ўзбекистон сиёсати

Мана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақада энг фаол ва изчил сиёсат юротаётган давлатлардан бирига айланмақда. Глобал рейтингларда (Global Food Security Index) Ўзбекистон сўнгги йилларда ўз позициясини мунтазам яхшилаб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Мамлакатда вазият барқарор, аммо ташқи бозордаги нархлар тебраниши ҳамда сув тақчилиги каби хавфлар йўқ эмас. Шу боис давлат томонидан стратегик захиралар ва ички ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга алоҳида ургу берилмақда.

Ўзбекистон раҳбарияти озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун бир неча стратегик йўналишларда иш олиб борапти. Жумладан, сўнгги йилларда 100 минг гектардан ортқичи пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилди. Бу “даладан — дастурхонгача” тамойили асосида ички бозорни арзон ҳамда янги маҳсулот билан тўлдириш имконини берапти.

Иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шароитида томчилатиб сугорилган ҳамда бошқа замонавий технологияларни қўллаш давлат томонидан субсидияланаётгани ўз самараларини намён этмақда. Бу кам сув сарфлаб, кўп ҳосил олишини ягона йўлидир. Маҳсулотни нафақат етиштириш, балки уни исроф қилмай сақлаш ва қайта ишлаш учун республика бўйлаб йирик агрологистика марказлари барпо этилаётди. Мазкур чора-тадбирлар мавсумий нархлар кескин кўтарилишининг олдини олиш билан бирга, асосий турдаги маҳсулотлар (буғдой, ша-

кар, ёғ ва бошқалар) бўйича давлат захираларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмақда. Қолаверса, бундай ишлар ташқи бозорда нархлар “сакраган” бир пайтда ички бозорда барқарорликни сақлашга хизмат қилаётди.

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва чорвачиликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳамда келгусидаги режалар обдан муҳокама қилинди. Бу бежиз эмас. Мазкур йиғилишда илгари сурилган тақлифлар ҳамда белгиланган вазифалар мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасидаги қатъий иродасини яна бир бор намён этди.

Ўзбекистон бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилган кенг имкониятлар натижасида аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, юқори экспорт салоҳиятини кўрсата олапти. Биргина 4 миллион гектар экин майдони, 1,5 миллион тонна сигимга эга сақлаш омборлари ҳамда 3,5 миллион тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватлари бунинг яққол тасдиғидир. Қолаверса, давлатнинг 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказиш ҳамда экспорт географиясини 100 та давлатга кенгайтириш режасида стратегик аҳамиятга эга. Бундай юксак марраларга эришиш учун, албатта, тизимли ўзгаришлар ва халқаро стандартларга мос фаолият юритиш зарур.

Тахлил асосида янги режалар

Йиғилишда энг муҳим масалалардан бири сифатида озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини халқаро талабларга мослаштиришнинг долзарблиги таъкидланди. Хозиргача учта идоранинг (Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, санитария-эпидемиология тизими) озиқ-овқат хавфсизлиги назорати бўйича шуғулланиши, ягона маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги ва вазифаларнинг тақдорларини тадбиркорлар учун жиҳдий муаммолар туғдираётгани танқид қилинди.

Эндиликда ушбу масалаларни ҳал этиш мақсадида Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги қўмитасига асос солинади. Ушбу янги марказлашган тизим “даладан — дастурхонгача” тамойили асосида барча назорат жараёнларини қамраб олади. Ўсимликлар карантини, ветеринария ва санитария-эпидемиология тизимларининг озиқ-овқат хавфсизлигига маъсۇл функцияларини бириштирилади. Эскирган, тадбиркорларга тўсиқ бўлаётган текширувлардан воз кечиб, хавфга асосланган назорат ва текширув тартибини жорий этади.

Электрон тизим орқали хавфли маҳсулотлар ҳақида тезкор хабар бериш ва уларни қайтариб олиш имкони яратилади. Европа Иттифоқидан келиб тушаётган пестицид колдиклари бўйича огоҳлантиришлар (25 та) маҳсулот хавфсизлиги назорати тизимини тубдан ўзгариши заруриятини кўрсатди. Янги тизимда мажбурий сертификатлаш бекор қилиниб, ўрнига хавфга асосланган назорат жорий этилади.

Бундан ташқари, 2029 йилдан бошлаб мева-сабзавот экспорти фақат агрологистика марказлари орқали амалга оширилади. Йирик корхоналар халқаро хатарлар таҳлили стандарти ва Алиментарис кодекси талабларига 2032 йилгача юз фоиз мувофиқлаштирилади. Мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган туманларда жамоатчи инспекторлар фаолияти йўлга қўйилади.

Ўзбекистон давлат хизматларини хусусий секторга ўтказиш сиёсатини давом эттирмақда. 2027 йилдан бошлаб лаборатория текшируви, ҳайвонларни эмлаш, дезинфекция ҳамда идентификация каби 6 та давлат функцияси хусусий секторга берилади. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яратиш, сифатини ошириш ва хизматлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Вилоят ҳокимларига хусусий лаборатория ва ветеринария клиникаларини ташкил этиш топширилган чорвачиликни қўллаб-қувватлашдаги муҳим одимдир. Эеро, чорвачилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги энг муҳим соҳа ҳисобланади.

Улкан мақсад сари қўйилган дадил қадам

Йиғилишда белгиланган вазифалар, яратилаётган ягона марказлашган тизим, халқаро стандартларга мослашуви, хусусий секторга кенг имкониятлар яратиш ҳамда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар юртимизнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу чора-тадбирлар, шубҳасиз, 2030 йилга қадар экспортни 10 миллиард долларга етказишдек улкан мақсад сари қўйилган муҳим қадамлардир.

Янги Ўзбекистон жадал сурьатларда рақамли трансформация сари юз тутиб, ҳар бир соҳада замонавий технологияларни қўллаш бошланди. Бу борада қишлоқ хўжалиги, мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан бири, айниқса, улкан ўзгаришлар арафасида турибди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида йўлга қўйилаётган янги тизимлар илмий-техник ютуқларга асослангани билан алоҳида аҳамиятга молик.

Хусусан, “Агроқўмакчи” мобил илова-

сидаги электрон “Дала дафтари” тизими фермерларнинг ҳаётини осонлаштиришга қаратилган инқилобий ечимдир. Эндиликда ҳар бир деҳқон ўз даласидаги ҳолатни, экинларнинг ривожини, зараркунандалар мавжудлигини онлайн кузатиб бориши мумкин. Сунъий интеллект (СИ)нинг тутган ўрни бу ерда беқиёс. СИ зараркунандаларнинг тарқалиш тенденцияларини олдиндан башорат қилиб, фермерларга энг оптимал вақтда энг самарали чораларни қўллаш бўйича аниқ тавсиялар беради. Бу эса ҳосил йўқотишларининг олдини олади, зараркунанда ҳамда касалликларнинг ёппасига тарқалишига йўл қўйилмайди. СИ керакли жойда, зарур миқдорда дорилаш имконини беради, бу, ўз навбатида, экологик хавфсизликни ошириб, харажатларни камайтиради. Оптимал тадбирлар натижасида ресурслар (сув, ўғит, пестицидлар) тежаллади.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари тақлиф этган “Фаол ва ҳалол ишлаётган фермерлар рейтингини”нинг ишга туширилиши қишлоқ хўжалигида замонавий бошқарув тизимининг муҳим элементи, дейиш мумкин. Рейтингда юқори ўринни эгаллаган фермерларнинг қўшимча имтиёзлар (имтиёзли кредитлар, субсидиялар, янги технологияларни сотиб олишда қўмақ олиш) уларни янада самарали меҳнат қилишга ундайди. Шу билан бирга, рақобат муҳитини шакллантириш, фермерлар бир-бирларидан ўрганиб, янгича усуллари қўллашга интилади. Қолаверса, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириб, энг яхши тажрибалар кенг тарқалади. Муҳими, маҳсулотлар сифати янада кўтарилади.

Экспортёрлар учун муҳим аниқлик

Таъкидлаш жоизки, 2027 йил 1 мартгача ишга тушириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича ягона автоматлашган ахборот платформаси ва унинг чегарадаги “Ягона дарча” тизими билан интеграцияси — экспортёрлар учун улкан аниқлик. Бир неча кўнлаб давом этадиган бюрократия жараёнларининг 9 кундан 2 кунга (импорт), 3 кундан 1 кунгача (экспорт) қисқартирилиши экспортёрларнинг вақти ва маблағини сезиларли даражада тежайди. Натижада “омбор харажатлари” қисқариб, экспорт қўламини кенгайтири. Маҳсулотлар тезкорлик билан хорижий бозорларга етиб боради, бу янги бозорларни эгаллашга йўл очади.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бу рақамли ва инновацион ўзгаришлар Ўзбекистонни нафақат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш, балки жаҳон бозорида рақобатбардош экспортёр сифатида майдонга чиқишга тайёрламақда. СИ, мобил иловалар, ягона ахборот платформалари ҳамда “Ягона дарча” тизимининг жорий этилиши қишлоқ хўжалигини янги, юқори самарали босқичга олиб чиқади. Ўз навбатида, ҳар бир ўзбек оиласининг дастурхони тўкин бўлиши ҳамда мамлакатнинг иқтисодий раванқига хизмат қилади.

Баҳоидир МИРЗАЕВ,
«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори,
техника фанлари доктори, профессор.

Бухоро қорақўлининг шўҳрати қачон тикланади?



Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бошида қорақўл териси савдоси билан шуғулланадиган Германия ширкати Бухородан бир неча бош кўйни Жанубий Америкага олиб бориб тажриба ўтказди. Мақсад иқлим Бухороникига ўхшаш бу гўшад уларни кўпайтириш ортидан қорақўл териси етиштириш эди. Аммо унинг ўрнига юнги бетартиб ўсган кўй терилари олинди ҳолос. “Мана бу қорақўлчиликнинг фақат Бухоро саҳро ва иқлимгагина хос бўлиб, махсус табиат тарафидан берилган бир бойлик эканлигини кўрсатадур”, дея ёзилди “Озод Бухоро” (хозирги “Бухоронорма”) газетасининг 1923 йил 1 ноябрь сонида эълон қилинган мақолада.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ўшанда ҳаммасларимиз чамаси, немислар бундай кўйларнинг бир неча бошини Африкага — ўша пайтдаги мустамакка ўлка — Намибияга ҳам олиб боришгандан, Амир Олимхон ва унинг ҳамроҳлари эса Бухорони тарк этаётди анча-мунча кўйни қўшни Афғонистонга ўтказгандан бехабар эди. Буни қарангки, қорақўл зотли жониворлар ҳар иккала юрт иқлимга мослашди. Натижада Намибия билан Афғонистон дунё бозорига қорақўл терисини олиб чиқадиغان йирик экспортчига айланди.

— Қорақўлчилик тарихига назар ташланса, унинг бозоргирлиги билан боғлиқ жараён бир текис кечмаганини кўриш мумкин, — дейди Бухоро давлат университети профессори Шодмон Ҳайитов. — Дейлик, у ўтган асрнинг бошларида “Германия қорақўл ширкати” томонидан баҳонидил харид қилинган, олмон юртида бу маҳсулот савдоси билан шуғулланадиган ўнлаб дўконлар фаолият юритган.

Воқеалар ривожидан ўзиб айтиш керакки, кейинчалик Бухорода йилга 1 миллион дон қорақўл терини қайта ишлайдиган йирик завод барпо этилди. Корхона донги узок-яқинга кетди. Ундан буортмачилар оёғи узилмай қолди. Афсуски, замона зайли билан

завод таназзулга юз тутди. Унинг номи вилоят саноати харитасидан ўчиб кетганига ҳам анча бўлди. — Ўша корхонага акамга эргашиб ишлагани бурганимда эндигина 16 ёшга кирганим, — дея эслайди 32 йиллик иш тажрибасига эга Дилфуза Асадова. — Қорақўл терисидан турли кийим-кечақлар тикиш сирларини ўргандим. Завод юзлаб ишчилар қатори мен учун ҳам қадрдон корхонага айланганди. У ёпилгач, анчагача ўзимга келолмай юрганман.

Дилфуза опа ҳозир чоғроққина “Бухоро қорақўл” маъсуляти чекланган жамиятида ишлаяпти. Бу ерда бош кийимнинг 15 — 20 хилига кўзингиз тушади. Тайёр маҳсулотни, асосан, сайёҳлар ва маҳаллий харидорлар сотиб олмақда. — Қорақўл терисидан тайёрланган кийим-бошни бу маҳсулот қадрини билладиган, диди бандан кишилар харид қилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Мақтанишга йўймангу ошланган терини бир кўргандаёқ қайси ҳудудда етиштирилгандан тортиб сифатига айтиб бера оламан. Асл Бухоро қорақўл териси мавжланади. Ёниб туради. Афсуски, бундан 20 — 30 йил аввалгиси билан ҳозиргиси ўртасида еру осмон-

ча фарқ бор. Мана, Афғонистонда етиштирилган қорақўл терини олиб кўринг. Қаламчугул бу терилар худди сунъийдек жилоланади. Бу суҳбат бизни Бухоро ҳудудий яйлоқ хўжалиқлари бошқармаси сари бошлади. Бошқарма таркибиде қорақўлчиликка ихтисослаштирилган 7 та маъсуляти чекланган жамият фаолият юритмақда. Жами 2 миллион 141 минг гектардан иборат яйловларда 80 минг бош атрофида қўй боқилапти.

— Қорақўл териси ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг асосий бозори Россия Федерацияси саналади, — дейди бошқарма бошлиғи Фахридун Қудратов. — Аммо объектив ва субъектив сабабларга кўра, жумладан, хорижий давлат банкларига қўйилган санкциялар туфайли бу турдаги маҳсулот экспортда муаммолар мавжуд. Биз вазиятдан келиб чиққан ҳолда қўзиларни ўстиришга қолдириш, қорақўл қўйлар наслини, генофондини асраш, қолаверса, мамлакат озиқ-овқат таъминотини яхшилашга ҳисса қўиш ҳаракатидамиз. Негаки, давр шуни тақозо этапти. Бир дон қорақўл терисини 50 — 70 минг сўмга сотгандан кўра, қўзини ўстиришга қўйиш ва бўрдоқига боқиш ор-

қали 1,5 миллион сўм атрофида даромад кўриш маъқул бўлиб турибди. Қорақўл териларимизга келсак, улар товланши, енгиллиги, юпкалиги жиҳатдан Намибияникидан қолишмайди. Мутахасссларнинг таъкидлашича, асл Бухоро сури бошқа жойларникидан ранг-баранглиги, гулларининг пишк ва мустаҳкамлиги, рангларининг бир текисда тарқалгани билан ажралай туради. Ундаги жун толаси ранги асосидан то учигага уч хил рангда товланади. Афсуски, табиатнинг мўъжизаси дейишга аризулқил қорақўл териси ва ундан тайёрланадиган либослар сотувининг ҳозир бозори чакқон эмас.

Бир пайтлар, ҳатто валюта вазифасини ўтаган қорақўл терисига дунёда талаб суст. Буни жаҳондаги табиатни, жумладан, ҳайвонларни ҳимоя қилувчи “яшиллар ҳаракати”нинг давмати, айрим давлатларда нисбатан арзон сунъий мўйналардан кийим-кечак тайёрланаётгани, кейинги йилларда қорақўл териси сифатига эътибор лозим даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Чунончи, бир пайтлар Қорақўл туманида шу соҳага ихтисослаштирилган корхона очиб, тайёр маҳсулотлар экспортини йўлга қўйган Бобоқул Йўлдошевнинг ўз хотираларида ёзишича, ёш чўпонларда қорақўл териси сифатига эътибор сусайган. Ваҳоланки, бу борада муайян тажриба бор. Кўпни кўрган чўпонлар соғлом ургочи қўзиларни дарҳол алоҳида белгилаб, парвартиш қилган. Келажакда улардан сифатли тери олиш мумкинлигини билган. Негаки, 10 — 15 кун ўтгач, қўзиларнинг яхши-ёмонини ажратиб олиш қийин. Қолаверса, тажрибали чўпонлар шу қадар зеҳли, биллимли бўлганки, қўзиларни бир кўришдаёқ уни “Фалон отарнинг кўзиноғи”, дея айтиб берган. Шундай чўпон сулолаларини қадрлаш,

уларнинг ўй-ташвишларини енгиллаштиришдан жамият манфаатдор. Бийдай саҳрода қўйчовонлик қилиш, экспортбо мўйна берадиган қўйларни кўпайтириш, қорақўлчилик деганда юраги “жиж” этадиган кишиларни топиш ҳам осон иш эмас.

Дарвоқе, бундан беш йил муқаддам қорақўл терисини қайта ишлаш ва уни экспорт қилиш мақсадида “Бухороқорақўлкластер” корхонаси барпо этилган, очилиш маросимида сўз олган вилоят масъуллари “У қорақўлчилик соҳасида янги даврни бошлаб беради”, дея башорат қилишганди. Корхона омборларида тўпилган қолган 20 минг дон атрофидаги хомашё ўз харидорини қутиб тургани, улар вақт таъсирида сифатини йўқотиши мумкинлиги назарда тутилса, “янги даврни бошлаш” чўзилиб кетмадикан деган ўйга борасан киши. Экспорт учун янги бозорлар топилмаса, наслилик ишлари рисоладагидек йўлга қўйилмаса, рақобатбардош маҳсулот етиштирилмаса, соҳа нуқул гўшт етиштириш орқали ҳам сақланиши ўйласа, Бухоро қорақўлининг шўҳратини тиклаш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

— Биз қорақўл тери сифатини яхшилаш, жумладан, рангини тиклаш, мустаҳкамлигини ошириш йўналишларида илмий тадқиқот ишларини олиб бораёмиз, — дейди Бухоро давлат техника институтининг Енгил саноат муҳандислиги ва дизайн кафедраси профессори Сайфулло Мусаев. — Кейинги йилларда шу борада бешта илмий иш муваффақиятли ёқланди. Терини ошлаш жараёнида хориждан харид қилинадиган хром ишлатилади. Шогирдларимизнинг изланишлари кўрсатдики, сутни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган зардоб шу захарли модда ўрнини боса олади.

Институт олимлари фикрича, Бухоро қорақўлининг шўҳратини қайта тиклаш лозим. Бунинг учун яйловлар деградацияси, яъни ўсимликлар қопламининг сийрақлашгани, чўллар табиий ҳосилдорлигининг камайганига қарши самарали чора-тадбирлар олиб бориш керак. Дейлик, ҳар отар атрофидаги 40 — 50 гектар ерда озуқабод чўл ўсимликларини етиштириш фойдадан холи эмас. Бу ўсимликлар гуллаб, уруги шамол воситасида ён-атрофга тарқалади. Натижада ўсимликлар кўпайиб, деградация жараёни секинлашади. Бундан ташқари, Афғонистон ва Намибиядан ургочи қўйларни келтириб кўпайтириш мақсада мувофиқ.

— Вилоятда насличиликка ихтисослаштирилган уч-тўртта фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолияти илмий асосда йўлга қўйилса ва улар маҳаллий ҳокимликлар томонидан қўллаб-қувватланса айни муддао бўларди, — дейди С. Мусаев. — Токи улар гўшт етиштириш эмас, Бухоронинг асл қорақўл терилари генофондини сақлаш, наслилик ишларини яхшилаш ҳақида қайғуришсин. Бу соҳада рақобат муҳитини ҳам юзага келтирарди.

“Юмшоқ олтин” деган таърифни олган Бухоро қорақўли бир пайтлар жаҳоннинг 60 дан зиёд давлатларига экспорт қилинган. Германиянинг Лейпциг шаҳрида 1965, 1967 йилларда ўтказилган халқаро ярмаркада олтин медалга муносиб кўрилган. Шу каби ёдда қолари дамларни эсларкан, соҳа мутахассслари дунё истемолчиларининг арзон, аммо синтетик сунъий матоли кийим-кечақлардан воз кечиб, табиий мўйнали либослар кийишга умид боғламақда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР АРАФАСИДА



Яна санокли кунлардан сўнг АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланади. Ўзбекистон халқи катта интизорлик ила кутаётган мазкур мундиаль тарихда унутилмас хотира қолдириши билан аҳамиятли. Бунинг сабаби барчага маълум: унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси 34 йил деганда илк мартаба иштирок этади.

Фабриканаваро мураббийлигидаги футболчиларимиз 26 май тонгида 2026 йилги жаҳон биринчилигида қатнашиш учун Тошкент — Нью-Йорк йўналиши бўйича "Uzbekistan Airways" акциядорлик жамиятининг махсус ливрея (ташқи кўриниш)даги "Boeing 787 Dreamliner" учоғида АҚШга йўл олди. Лайнер миллий жамоамизнинг рамзлари билан безатилган — "Go Uzbekistan": фюзеляжнинг олд қисмидаги "Go" сўзи акциядорлик жамияти номи билан кўшилиб, терма жамоани олға ундовчи шиорни ҳосил

қилган. Самолётнинг орқа қисмидан "Олга, Ўзбекистон!" ёзуви жой олган бўлса, двигател қисмларида "UZB 2026" ва "Оқ бўрилар" ёзувлари туширилган.

Тошкентда йиғинга киришган футболчиларимиз тайёргарликнинг илк босқичида 6 — 25 май кунлари, асосан, жисмоний машғулотларга эътибор қаратди. Навбатдаги босқич — 27 май санасидан бошланиб, унда тактик ва ўйин услубини шакллантириш устида иш олиб борилмоқда. Мазкур йиғиндаги Ўзбекистоннинг илк ўртоқ-

лик учрашуви 1 июнь кунини Канаданинг Эдмонтон шаҳрида жойлашган "Commonwealth Stadium" стадионида мезбон давлат терма жамоасига қарши бўлиб ўтди. Унда КОНКАКАФ минтақаси вакиллари 2:0 ҳисобида зафар қучди. 1-бўлимда юртдошларимиз анча яхши ҳаракат қилган бўлса-да, иккинчи бўлимда канадалик футболчилар тезкор ҳужумлари орқали икки гол киритиб, ғалабага эришди.

Иккинчи ўйин эса 8 июнь кунини Нью-Йорк шаҳридаги "Icahn Stadium" аренасида Нидерландия

миллий терма жамоасига қарши белгиланган. Ушбу баҳсдан сўнг терма жамоамиз Атланта шаҳрида ўзига ажратилган базага бориб, жаҳон чемпионатида тайёргарликнинг учинчи босқичини бошлайди.

Эслатиб ўтамиз, футболчиларимиз "К" гуруҳида Португалия, Колумбия ва Конго ДР миллий терма жамоаларига қарши баҳс олиб боради.

Куйида ўқувчиларимиз эътиборига мундиалнинг барча 12 та гуруҳи, ўйинлар санаси ва бошланиш вақти тақдим этилади.

"А" гуруҳи

	Ўйин	Ютуқ	Дуранг	Мағлубият	Тўғлар нисбати	Очко
Мексика						
ЖАР						
Корея Республикаси						
Чехия						

Бошланиш вақти	Ўйин	Вақт
12.06.2026	Мексика — ЖАР	00:00*
12.06.2026	Корея Республикаси — Чехия	07:00
18.06.2026	Чехия — ЖАР	21:00
19.06.2026	Мексика — Корея Республикаси	06:00
25.06.2026	Чехия — Мексика	06:00
25.06.2026	ЖАР — Корея Республикаси	06:00

"В" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Канада						
Босния ва Герцеговина						
Қатар						
Швейцария						

13.06.2026	Канада — Босния ва Герцеговина	00:00
14.06.2026	Қатар — Швейцария	00:00
19.06.2026	Швейцария — Босния ва Герцеговина	00:00
19.06.2026	Канада — Қатар	03:00
25.06.2026	Швейцария — Канада	00:00
25.06.2026	Босния ва Герцеговина — Қатар	00:00

"С" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Бразилия						
Марокаш						
Гаити						
Шотландия						

14.06.2026	Бразилия — Марокаш	03:00
14.06.2026	Гаити — Шотландия	06:00
20.06.2026	Шотландия — Марокаш	03:00
20.06.2026	Бразилия — Гаити	05:30
25.06.2026	Шотландия — Бразилия	03:00
25.06.2026	Марокаш — Гаити	03:00



"D" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
АҚШ						
Парагвай						
Австралия						
Туркия						

13.06.2026	АҚШ — Парагвай	06:00
14.06.2026	Австралия — Туркия	09:00
20.06.2026	АҚШ — Австралия	00:00
20.06.2026	Туркия — Парагвай	08:00
26.06.2026	Туркия — АҚШ	07:00
26.06.2026	Парагвай — Австралия	07:00

"E" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Германия						
Кюрасао						
Кот-д'Ивуар						
Эквадор						

14.06.2026	Германия — Кюрасао	22:00
15.06.2026	Кот-д'Ивуар — Эквадор	04:00
21.06.2026	Германия — Кот-д'Ивуар	01:00
21.06.2026	Эквадор — Кюрасао	05:00
26.06.2026	Германия — Эквадор	01:00
26.06.2026	Кюрасао — Кот-д'Ивуар	01:00

"F" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Нидерландия						
Япония						
Швеция						
Тунис						

15.06.2026	Нидерландия — Япония	01:00
15.06.2026	Швеция — Тунис	07:00
20.06.2026	Нидерландия — Швеция	22:00
21.06.2026	Тунис — Япония	09:00
26.06.2026	Япония — Швеция	04:00
26.06.2026	Тунис — Нидерландия	04:00

"G" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Бельгия						
Миср						
Эрон						
Янги Зеландия						

16.06.2026	Бельгия — Миср	00:00
16.06.2026	Эрон — Янги Зеландия	06:00
22.06.2026	Бельгия — Эрон	00:00
22.06.2026	Янги Зеландия — Миср	06:00
27.06.2026	Миср — Эрон	08:00
27.06.2026	Янги Зеландия — Бельгия	08:00

"H" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Испания						
Кабо-Верде						
Саудия Арабистони						
Уругвай						

15.06.2026	Испания — Кабо-Верде	21:00
16.06.2026	Саудия Арабистони — Уругвай	03:00
21.06.2026	Испания — Саудия Арабистони	21:00
22.06.2026	Уругвай — Кабо-Верде	03:00
27.06.2026	Кабо-Верде — Саудия Арабистони	05:00
27.06.2026	Уругвай — Испания	05:00

"I" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Франция						
Сенегал						
Ироқ						
Норвегия						

17.06.2026	Франция — Сенегал	00:00
17.06.2026	Ироқ — Норвегия	03:00
23.06.2026	Франция — Ироқ	02:00
23.06.2026	Норвегия — Сенегал	05:00
27.06.2026	Сенегал — Ироқ	00:00
27.06.2026	Норвегия — Франция	00:00

"J" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Аргентина						
Жазоир						
Австрия						
Иордания						

17.06.2026	Аргентина — Жазоир	06:00
17.06.2026	Австрия — Иордания	09:00
22.06.2026	Аргентина — Австрия	22:00
23.06.2026	Иордания — Жазоир	08:00
28.06.2026	Жазоир — Австрия	07:00
28.06.2026	Иордания — Аргентина	07:00

"K" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Португалия						
Конго ДР						
Ўзбекистон						
Колумбия						

17.06.2026	Португалия — Конго ДР	22:00
18.06.2026	Ўзбекистон — Колумбия	07:00
23.06.2026	Португалия — Ўзбекистон	22:00
24.06.2026	Колумбия — Конго ДР	07:00
28.06.2026	Конго ДР — Ўзбекистон	04:30
28.06.2026	Колумбия — Португалия	04:30

"L" гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Англия						
Хорватия						
Гана						
Панама						

18.06.2026	Англия — Хорватия	01:00
18.06.2026	Гана — Панама	04:00
24.06.2026	Англия — Гана	01:00
24.06.2026	Панама — Хорватия	04:00
28.06.2026	Хорватия — Гана	02:00
28.06.2026	Панама — Англия	02:00

Мундиалнинг гуруҳ беллашувлари 28 июнь кунини якунлаиб, шундан сўнг "плей-офф" баҳсларига старт берилади. 12 та гуруҳнинг 1 ва 2-ўрин эгалари ҳамда 8 та энг яхши 3-поғона соҳиблари жаҳон чемпионатидаги иштиро-

кини давом эттиради. Тўрт йилликнинг энг асосий мусобақаси финал ўйини 19 июль кунини ўтказилади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Ўйинлар санаси ва бошланиш вақти билан кўрсатилган.

Ўзбекистон меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари Варшава шаҳрида ўтказилган футбол бўйича XVII Польша халқаро турнири ғолиби бўлди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 170 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқий маълумотлари юқуба олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг компьютер берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши